

12-1-2018

THE ESSENCE AND CLASSIFICATION OF INTERNAL OPERATIONS OF BANK

K. Juraev

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Juraev, K. (2018) "THE ESSENCE AND CLASSIFICATION OF INTERNAL OPERATIONS OF BANK," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 5 , Article 14.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Джураев К.Н. – ТМИ,
мустақил тадқиқотчи**

БАНК ИЧКИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ТУРКУМЛАНИШИ

Мақолада тижорат банкларида банк ички операциялари, уларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти ҳамда туркумланиши ўрганилган.

Таянч сўзлар: тижорат банки, банк ички операциялари, банк хизмати, банк оперциялари, фоизли даромадлар, фоизсиз даромадлар, фоизли харажатлар, фоизсиз харажатлар, соф фойда.

В статье изучено внутрибанковские операции, понятия, сущность и их классификации в коммерческих банках.

Ключевые слова: внутрибанковские операции в коммерческих банках, банковские операции, банковская услуга, процентные доходы, безпроцентные доходы, процентные расходы, безпроцентные расходы, чистая прибыль.

In this article studied meaning of internal bank operations in commercial banks, their economic meanings and classifications

Keywords: internal bank operations in commercial banks, bank operations, banking services, interest incomes, non-incomes, interest expenses, non-interest expenses, profit.

Кириш

Республикамиз банк тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида, молиявий барқарорликка эришилди. Бу борада статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, республикамиз банкларининг юқори ликвидли активлари 2017 йил бошида 18 606,3 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йил бошига келиб 37 775,5 млрд. сўмни ташкил қилган, яъни 2 баробардан зиёд ўсишга эришилган. Бундан ташқари банкларнинг жами капитали таҳлили шуни кўрсатадики, жами капитал 2017 йил бошида 8 981 млрд.сўм бўлган бўлса, 2018 йил бошига келиб ушбу кўрсаткич 20 676 млрд. сўмни ташкил қилган, номинал ўсиш 130,2 фоизни ташкил қилди[1].

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимиз тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини халқаро молиявий ҳисобот стандартларга ўтказиш бўйича анчагина ижобий ишлар амалга оширилди. Шунга қарамадан, бугунги кунда республикамизда фаолият юритиб келаётган тижорат банклари банк ички операциялари ҳисобини тўғри юритиш ва самарали ташкил этиш борасида ўз ечимини топмаган айрим масалалар сақланиб қолмоқда. Бу эса тижорат банкларида банк ички операциялари ҳисобини ташкил этиш, такомиллаштириш зарурияти, банк ички операцияларининг хусусиятлари ҳамда уларнинг ўзига хос жиҳатларини илмий тадқиқ этиш, уларни амалиётга жорий қилиш лозимлигини келтириб чиқаради. Бу эса, тижорат банкларида банк ички операциялари ҳисобини тадқиқ қилиш долзарблигини очиқ беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Барчамизга маълумки, тижорат банки банк хизматларини кўрсатиш билан ўз фаолияти олиб боради, яъни банклар фаолиятининг пировард натижаси банк хизмати ҳисобланади. Шундай экан, улар томонидан банк хизматларини кўрсатиш учун маълум операциялар амалга оширилади. Шу ўринда “банк хизмати” ва “банк операцияси” каби тушунчаларига ойдинлик киритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, бу икки атама ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Банк операцияси ёки операциялар йиғиндиси натижасида банк хизмати ҳосил бўлади. Демак, банк операцияларини амалга оширишнинг пировард мақсади мижозларга банк хизматини кўрсатиш натижасида даромад олиш ҳисобланади. Шу боисдан ҳам, банк хизматлари банкларнинг молиявий ҳолатига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Бундай фикрни хорижлик олим Bobby V.Ch. ҳам таъкидлаган. Унинг фикрича, “Банк хизматларининг банк кўрсаткичлари билан узвий алоқаси мавжуд[2]”.

Мамлакатимиз мавжуд меъёрий ҳужжатларда банк операциялари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Хусусан, Ўзбекистон республикасининг “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида[3] банк операциялари келтириб ўтилган. Ушбу келтириб ўтилган операцияларни таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, улар банк операциялари сифатида эмас, балки, мижозларга кўрсатиладиган банк хизмати сифатида санаб ўтилган.

Тижорат банклари томонидан мижозларга кўрсатиладиган банк хизматлари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айниқса, тижорат банклари ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши натижасида янги банк хизматларини жорий этиш имкониятлари яратилмоқда. Бунинг натижасида, банклар томонидан мижозларга 50 дан ортиқ турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда. Шу билан бирга, банклар томонидан ривожланган давлатларнинг 70дан ортиқ етакчи хорижий банклари билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган бўлиб, мамлакатимиз аҳолиси, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳоҳлаган хорижий давлатдаги шериклари билан молиявий муносабатлар ўрнатиш имкониятлар яратилган.

Юқорида қайд этилган банк операциялари ичида банк ички операциялари тўғрисида фикр қайд этилмаган. Шу боисдан иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида банк операциялари тўғрисида турлича фикрлар мавжудлиги маълум бўлди.

Жумладан, Россия иқтисодчи олими Жуков Е.Ф. томонидан банк операциялари тўғрисида шундай фикр билдирилган: “Банклар ўз вазифаларини ўзлари томонидан амалга ошириладиган операциялар билан бажаради[4]”. Бундан ташқари, тижорат банкларининг операцияларини гуруҳлаш тўғрисида эса, “тижорат банкларда банк операцияларини уч гуруҳга: пассив, актив ва комисион (ҳисоб-китоб, факторинг ва траст операциялари) ажратиш мумкин[5]” деган фикр берилган.

Шу фикрга яқин бўлган фикрни Лаврушин И.О. таҳрири остида чоп этилган “Банковские операции” номли асарда банк хусусиятига (спецификасига) мос хизматлари таркибига қуйидаги операцияларини киритиш

мумкинлигини, яъни:

1. Депозит операциялари;
2. Кредит операциялари;
3. Ҳисоб-китоб операциялар[6].

Шунингдек, Пещанская И.В. томонидан тижорат банки фаолиятини пул маблағлари ҳаракати нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда икки қисмга:

- “Пассив операциялар – маблағларни жалб қилиш билан боғлиқ операциялар;
- Актив операциялар – маблағларни жойлаштириш билан боғлиқ операциялар” ажратишни илгари сурган [7].

Бу борада Коробова Ю.И. таҳрири остида чоп этилган “Банковские операции” номли асарида: “Банк хизмати – бу мижоз топшириғи бўйича маълум бир ҳақ тўлаш ҳисобига амалга ошириладиган банк операцияларидир”[8] деб таъриф берилган.

Фикримизча, юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан келтирилган банк хизматига берилган таъриф банк хизматининг моҳиятини тўлиқ камраб олмаган. Чунки, барча банк операциялари ҳам мижознинг топшириғи билан амалга ошавермайди ва барча банк хизматлари пуллик бўлмайди. Шундай қилиб, тадқиқот натижаларига асосланиб, банк хизмати тушунчасига қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Банк хизмати деб банклар томонидан қонунчилик доирасида ва халқаро банк амалиётидан келиб чиққан ҳолда, мижозлар талабини қондириш учун амалга оширадиган банк операцияларни амалга ошириш тартибига айтилади. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, тижорат банклари турли хизматларни амалга оширади ва улар бир ёки бир қанча операциялар натижасида амалга оширилиши мумкин.

Россия иқтисодчи олими Лаврушин И.О. банк операцияси тўғрисида: “Операция – банк маҳсулини яратиш учун амалга оширилган муайян ҳаракат кўринишидир [9]” деган фикрни илгари сурган.

Фикримизча, бундан ташқари шундай туркум операциялар мавжудки, улар банк хизматини яратишда бевосита иштирок этмайди. Бундай туркум операциялар қуйидаги гуруҳларга ажратиш ўринли бўлар эди. Улар:

- банк даромадлари билан бевосита боғлиқ операциялар;
- банк харажатлари билан бевосита боғлиқ операциялар;
- банк соф фойдаси билан бевосита боғлиқ операциялар.

Ушбу туркум операцияларни ички банк операциялари сифатида таснифлаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ички банк операциялар таркибига кирувчи операцияларни бирма – бир назарий таҳлил қилиб чиқсак.

Банк даромадлари билан боғлиқ операцияларга тўхталадиган бўлсак, тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, банк даромадлари иқтисодий адабиётларда турлича талқин қилинган. Масалан, Коробова Ю.И. бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи томонидан банк даромадлари тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Тижорат банкларининг даромадлари – бу банк фойдасини шакллантиришдаги асосий фактор ҳисобланади. Банкнинг асосий ва асосий фаолиятдан ташқари фаолиятлари натижасида ҳосил бўлган пул

маблағларининг оқими сифатида аниқланади. Банк даромадларини операцион даромадлар, ёрдамчи фаолият даромадлари ва бошқа даромадларга ажратилади. Банк операцион даромадлари фоизли даромадлар, комисион даромадлар ва бошқа операцион даромадларга ажратилади” [10]. Бу билан банк даромади тушунчасини янада аниқлаштиришга ҳаракат қилинган ва шу боисдан, даромадлар тушунчаси нисбатан мураккаблашишига олиб келинган.

Бизнинг фикримизча, ҳозирда амалда қўлланилаётган банк даромадларини фоизли даромадлар, фоизсиз даромадлар ва бошқа даромадлар каби гуруҳларга ажратиш энг содда ва оптимал гуруҳлаш ҳисобланади. Бу эса ички банк операцияларининг даромадлар билан боғлиқ томонини янада аниқроқ ифодалашга замин яратади деб ҳисоблаймиз.

Банк операцияларини даромадлар манбаига боғлиқ равишда қуйидаги банк операциялар туркумига ажратиш мумкин:

- фоизли даромадлар билан боғлиқ операциялар;
- фоизсиз даромадлар билан боғлиқ операциялар;
- бошқа даромадлар билан боғлиқ операциялар.

Бу борада, республикамиз иқтисодчи олимларидан З.А.Умаров банк даромадлари таркибида фоизли даромадларнинг улуши тўғрисида “Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтириб ва унинг даромад таркибидаги улушини 65 -70 фоизга етказса мақсадга мувофиқ бўлади [11]” деган фикрни таъкидлаб ўтган. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлашда нафақат, фоизли даромадлар балки, фоизсиз даромадлар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хорижлик олим М.М.Ахамеднинг фикричаэса, “Банкларнинг фоизсиз даромадлари қанчалик кўп бўлса, банк фойдаси рисклардан шунча ҳоли бўлади[12]”. Бу билан молиявий барқарорликни таъминлашда рисклардан ҳимояланиш фикрини илгари сурган.

Бугунги кунда тижорат банклари банк ички операцияларининг даромадлар қисмини олиб қарайдиган бўлсак, банклар фаолиятида фоизли даромадлар фоизсиз даромадларга нисбатан салмоқли улушни ташкил қилади.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда узоқ йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки молиявий натижалари динамикасини кўриб чиқамиз. (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки молиявий натижалар динамикаси(млн. сўм)[13]

Кўрсаткичлар	2013	2014		2015		2016		2017	
Фоизли даромадлар	383 688	451 205	117.6%	590 296	153.8%	763 467	198.9%	1 389 969	362.2%
Фоизли харажатларлар	226 476	263 638	116.4%	318 779	140.7%	406 859	179.6%	712 702	314.7%
Соф фоизлидаромад	157 212	187 567	119.3%	271 517	172.7%	356 609	226.8%	677 267	430.8%
Кредитлар буйича эхтимолий зарарлар захирасини баҳолаш	84 044	30 587	36.4%	164 258	195.4%	132 648	157.8%	1219 770	1 451.3%

Захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейин соф фойзли даромад	73 168	156 980	214.5%	100 632	137.5%	223 852	305.9%	664 032	907.5%
Фойзсиз даромад	312 283	312 937	100.2%	400 411	128.2%	395 262	126.6%	3 315 510	1 061.7%
Операцион харажатлар	254 910	283 322	111.1%	316 349	124.1%	379 608	148.9%	562 697	220.7%
Даромад (фойда) солиғига бўлган соф фойда (зарар)	130 541	186 595	142.9%	184 694	141.5%	239 505	183.5%	2 088 731	1 600%
Даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёз(харажат)	(30 777)	(28 700)	93.2%	(23 874)	77.5%	(29 354)	95.3%	61 876	-
Даврдаги соф фойда	102 181	114 363	111.9%	140 085	137%	172 810	169.1%	2 150 607	2 104.7%

Таҳлил қилинаётган даврда ТИФ Миллий банки фойзли даромадлари 2013 йили 383 688 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2017 йилга келиб бу кўрсаткич 1 389 969 млн сўмни ташкил қилган, яъни 2013 йилга нисбатан 2017 йили 362 фоизга ошиб, кескин ўсиш тенденциясини намоён қилган. Буни банк томонидан берилган кредитлар портифелининг ошиши билан боғлиқ бўлган кредитлар бўйича эҳтимолий зарарлар захирасининг ўсиши тасдиқлаб турибди.

Бундан ташқари, банк соф фойдасини олиб қарайдиган бўлсак, таҳлил қилинаётган даврда соф фойда 2017 йилга келиб 2013 йилга нисбатан 21 мартага ошганлигини кўриш мумкин. Бундай ўзгаришнинг асосий сабаби сифатида банк активларининг валюта курси ўзгариши туфайли олинган даромадлар билан изоҳлаш мумкин. Юқоридаги жадвал маълумотларидан шуни таъкидлаш мумкинки, фойзли даромадлари билан боғлиқ операциялар банк соф фойдасига тўғридан – тўғри ўз таъсирини кўрсатади, яъни ички банк операциялари ўзаро ҳам бир-бири билан ўзвий боғлиқ. Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банки даромадларини динамикаси акс эттирилган 2-жадвални таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак. (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки даромадлари динамикаси ўзгариши таҳлили [13]

Даромадлар	2013		2014		2015		2016		2017	
Фойзли даромадлар	383 688	55.1%	451 205	59.0%	763 467	65.8%	590 296	59.6%	1 389 969	29.5%
Фойзсиз даромад	312 283	44.9%	312 937	41.0%	395 262	34.2%	400 411	40.4%	3 315 510	70.5%
Жами	695 971	100%	764 142	100%	1 158 729	100%	990 707	100%	4705 479	100%

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки даромадларини динамикаси акс эттирилган 2-жадвални таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фойзли даромадларнинг жами даромадлардаги улуши ўртача 55 фоизни ташкил қилади. Фақатгина, 2017 йилга келиб жами даромадларда фойзсиз даромадларнинг улуши кескин ошганлиги сабабли фойзли даромадларнинг улуши 29.5 фоизни ташкил қилган. Бу эса юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ички банк операцияларининг ўзаро узвий боғлиқлигидан долалатдир.

Фойзсиз даромадларга тўхталадиган бўлсак, таҳлил қилинаётган даврда уларнинг жами даромадлар таркибида ўртача 45 фоизни ташкил қилган,

фақатгина 2017 йил якунлари бўйича уларнинг жами даромадлардаги улуши 70 фоизни ташкил қилган.

Банк соф фойдаси билан боғлиқ операцияларга соф фойда ҳисобидан ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар билан боғлиқ операцияларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, даромадлар ва харажатлар билан боғлиқ операциялар ҳам билвосита соф фойда билан боғлиқ операциялар туркумига киради. Бунда даромадларнинг соф фойда билан тўғри чизиқли боғлиқлини, қуйидаги жадвал маълумотлари тасдиқлаб турибди.(3-жадвалга қаранг)

3-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки даромадлари ва соф фойдаси динамик ўзгариши таҳлили

Давр	Соф фойда (Y)	Фоизли даромадлар (X1)	Фоиzsиз даромадлар(X2)	Жами даромадлар (X3)
2013	102 181,00	383 688,00	312 283,00	695 971,00
2014	114 363,00	451 205,00	312 937,00	764 142,00
2015	140 085,00	590 296,00	400 411,00	990 707,00
2016	172 810,00	763 467,00	395 262,00	1 158 729,00
2017	2 150 607,00	1 389 969,00	3 315 510,00	4 705 479,00

Ушбу юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан фойдаланган ҳолда соф фойда ва даромадларнинг ўзаро боғлиқлигини корреляция коэффиенти (r) орқали таҳлил қилиб кўрилганда қуйидаги жадвалда кўрсатилган натижа қайд этилди (4-жадвалга қаранг)

4-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки соф фойда ва даромадларининг корреляция коэффицентлари

	y	x1	x2	x3
y		0,943345	0,999874	0,99696
x1			0,942623	0,966011
x2				0,996887

Бунда фоизли даромадлар билан соф фойда кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлиги 0,94 (94%)ни ташкил қилган бўлса, фоиzsиз даромадлар билан соф фойда эса 0,99 (99%)ни ташкил қилди. Бундан ташқари, фоизли ва фоиzsиз даромадларнинг ўзаро боғлиқлигининг корреляция коэффиенти 0,94(94%)ни кўрсатди.

Юқоридаги жадвал маълумотлари даромадлар соф фойда билан ўзаро тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини исботлади.

Банк харажатлари билан боғлиқ операцияларга тўхталадиган бўлсак, ички банк операцияларининг муҳим қисми банк харажатларига ҳисобланади. Чунки тижорат банклари ўзининг фаолиятини ташкил этиш бўйича ва мижозларга хизмат кўрсатиш натижасида тегишли харажатларни амалга оширади. Банк харажатлари тушунчасининг иқтисодий мазмунини ўрганишда ҳам турлича фикрлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Бу борада Россия иқтисодчи олимларидан Короборва Ю.И ва бир гуруҳ олимларнинг фикрича, “Банк харажатлари деб, банкнинг фаолият юритишини ва турли банк хизматларини кўрсатиш учун сарфланган пул маблағларига

айтилади” деб таъриф берилган. Бундан ташқари, банк харажатларини банк фаолиятига боғлиқлиги жиҳатида уларни қуйидаги гуруҳларга ажратишни таклиф қилган:

1. Операцион харажатлар;
2. Банк фаолиятини таъминловчи харажатлар;
3. Бошқа банк харажатлари [14].

Фикримизча, ушбу иқтисодчи олим томонидан таклиф этилган гуруҳлашда банк фаолияти хусусиятларини инобатдан четда қолган деб ҳисоблаймиз. Чунки, операцион харажат ва банк фаолиятини таъминловчи харажатлар мантиқан бир-бирини тўлдиради.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган банк операцияларни банк хизмати яратилишига таъсири жиҳатидан уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Бизнингча булар:

- банк хизматининг яратилишига бевосита таъсир қилувчи банк операциялари;
- банк хизматининг яратилишига билвосита таъсир қилувчи банк операцияларидир.

Банк ички операциялари банк фаолиятига баҳо бериш, таҳлил қилиш ва тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишда зарур бўладиган маълумотлар базасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва илмий тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олган ҳолда, банк ички операциялари ҳисоби туркумига қуйидаги операцияларни киритишни таклиф қиламиз:

- асосий воситалар ва номоддий активлар ҳисоби;
- кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар ва материаллар ҳисоби;
- ҳодимлар билан иш ҳақи ва ҳисобдорлик суммалари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби;
- бюджет ва бюджетдан ташқари фондалар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби;
- даромадлар, харажатлар ва соф фойдалар ҳисоби;
- турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби.

Ушбу банк ички операциялари банк хизматига таъсири нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, улар банк хизматининг яратилишига билвосита хизмат қиладиган операциялар ҳисоби сифатида тушунилади.

Тижорат банкларида амалга оширилаётган ички банк операциялари ҳисобини назорат нуқтаи назаридан тўғри юритиш молиявий барқарорликни таъминлашда асосий омиллардан бири ҳисобланди. Тадқиқот жараёнида ички банк операциялари тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва моҳияти банклар молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи операциялар туркуми сифатида ўрганилди. Бу эса, бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамият касб этувчи маълумотларни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти www.cbu.uz
2. Banking services that influence the bank performance/ Bobby Boon-Hui Chai et al/Procedia-Social and Behavioral Sciences 224(2016) 401-407//www.sciencedirect.com
3. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банклар фаолияти тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами : -Тошкент Ўзбекистон, 2003. -432.б.
4. Банки и небанковские кредитные организации и их операции/Под редакции ЖуковЕ.Ф.М: Финансы и статистика:2005.- 113.С.
5. Банки и небанковские кредитные организации и их операции/Под редакции Жуков Е.Ф.М: Финансы и статистика:2005.- 113.С.
6. Банковские операции /Под редакции И.О Лаврушина. М.:Финансы и статистика, 1995. С.4
7. Пещанская И.В. Организация деятельности коммерческого банка М:, Финансы и статистика 2001г. С.5
8. Коробова Ю.И. Банковские операции. М: Финансы и статистика. 2007г. 387. С.
9. Основы банковского дела /Под редакции И.О.Лаврушина. М. Финансы и статистика, 2008г. С.28.
10. Банковские операции/ под редакции Короборва Ю.И. М.: Финансы и статистика , 2007г. С.66-69.
11. Умаров З.А. “Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари” и.ф.н.дисс.автореферати Тошкент, 2010й. 24.б.
12. М. М. Ahamed/ Asset quality, non-interest income, and bank profitability: Evidence from Indian banks./Economic Modelling/vol63 june 2017 pg 1-14.//www.sciencedirect.com
13. ТИФ Миллий банк йиллик молиявий ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан тузилди.
14. Банковские операции/ под редакции Короборва Ю.И. М.:Финансы и статистика, 2007г. С.71.